Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 14 ноябрь, шанба

Сотувда эркин нархда
№ 226 (2007)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

# АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН



***Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларида муҳокама этилган масалалар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Абдусаид Кўчимов бир неча савол билан мурожаат қилди.***

***Йўлбошчимиз саволларга жавоб қайтарар экан, мазкур йиғилишларда кўтарилган муҳим маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммолар ҳақида батафсил фикр билдирди.***

***Қуйида шу суҳбат матни эълон қилинмоқда.***

**САВОЛ**: Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, куни кеча Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди. Жамоатчилигимиз бу анжуманларда муҳокама этилган масалалардан оммавий ахборот воситалари орқали етарлича маълумот олди, одамлар ўз муносабатларини ҳам билдирмоқдалар. Шу билан бирга, ҳар икки сессияда Сизнинг чиқишингизни кузатар эканмиз, айниқса “юрагимни бўшатишни истардим-у, майли...” деган сўзларингизни эшитганда, журналист сифатида ватандошларимизга яна айтмоқчи бўлган қатор фикрларингиз борлигини сезгандек бўлдим...

**ЖАВОБ**: Ҳақиқатан, халқимиз гувоҳ бўлганидек, ҳар икки сессия ҳам кескин, танқидий руҳда ўтди. Мазкур вилоятларнинг раҳбар доираларида вужудга келган носоғлом муҳит ҳақида аччиқ, аммо ҳаққоний сўзлар айтилди. Бундай номақбул одат тусига кириб қолаётган ачинарли ҳолатлар бугунги ҳаётимиздаги ижтимоий муҳитнинг бузилишига ва аҳолининг адолатга бўлган ишончининг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бу фикрлар аслида амал курсисидан кетаётган кимсалар учун эмас, шу вилоятларда яшаётган меҳнаткаш, адолатга ташна инсонлар, ҳаётга эндигина кириб келаётган ёшлар учун, миллатимиз, халқимизнинг эртанги куни ҳақида қайғуриб айтилди, десак, хато бўлмайди.

Шу йиғилишларда тилга олинган маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг баъзи бир жиҳатларини қисқача изоҳлаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки улар бизнинг бугунги ҳаётимиз, олға қараб қилаётган ҳаракатларимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Умрим давомида орттирган озми-кўпми ҳаётий тажрибаларим асосида шундай хулосага келдимки, дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар кўп. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзотнинг кимлигини, унинг қиёфаси ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди.

Шу хусусда кўп ўйлайман. Мансаб деганлари қандай сирли, бетизгин куч эканки, нега у манаман деган, ақлли-ҳушли, оқ-қорани таниган, туппа-тузук инсонларнинг эл-юрт, давлат ишониб топширган ваколатларни суиистеъмол қилишига, инсофини йўқотишига олиб келади, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик, калондимоғлик каби иллатлар домига тортади? Бунинг сабаблари нимада? Бу ярамас иллат қаердан, қандай пайдо бўлади? Бу хунук, аянчли аҳволни қандай қилиб бартараф этиш, жамият танасига канадай ёпишган бу балодан қай тариқа халос бўлиш мумкин?

Бу касаллик илдизи хонлар, беклар, қозилар, мингбоши-ю юзбошилар ҳукм сурган олис замонларга бориб тақалади. Балки халқ эртакларидаги порахўр амалдорлар, Абдулла Қодирий тасвирлаган ришватга ботган хон мансабдорлари ёки бўлмаса Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур “Ўғри” ҳикоясида қаламга олинган воқеалар фақатгина бадиий тўқима маҳсули эмасдир?..

Айни чоғда тарихимизнинг турли саҳифаларини кўздан кечирганда, халқимиз маънавияти билан боғлиқ шундай маълумотларга дуч келасизки, улар ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар, таъмагирликдан нафратланиш, камтарлик, адолатпарварлик сингари туйғулар миллатимизга хос энг олижаноб фазилатлар эканидан далолат беради. “Бировнинг ҳақи”, “қиёмат қарз”, “пешона тери”, “молимардумхўр” деган сўзлар бунинг яққол ифодасидир.

Биргина мисол.

Маълумки, Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо темурий ҳукмдорлардан бири эди. Бобур ўз хотираларида отасининг нақадар адолатли ва ҳалол одам бўлганини кўрсатувчи шундай маълумотни келтириб ўтади. Қай бир йили Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилик карвон Ўш тоғларида қор кўчкини остида қолиб ҳалок бўлади. Умаршайх Мирзо дарҳол одамларини юбориб, карвоннинг юкларини назорат остига олдиради. Эгалари ҳалок бўлган шу молларни икки йилдан зиёд эҳтиётлаб сақлайди. Хуросон ва Самарқандга махсус одам юбориб, карвон эгаларининг меросхўрларини даракладиб топтиради ва уларни ўз мамлакатига чақиртириб, молларни тўлалигича қўлларига топширади.

Бундай мисолларни ўтмишдаги оддий одамлар ҳаётидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Худога минг шукурки, ҳозир ҳам ҳаётимизда шу эзгу тушунчалар барқарор ва устувор. Шунинг учун ҳам биз йўлимизда тўсиқ бўлиб турган, халқимизнинг, фуқароларимизнинг ҳақли равишда норозилиги ва қаҳр-ғазабига сабаб бўлаётган баъзи бемаъни ишларни таг-томири билан йўқотиш ҳақида очиқ, ошкора гапиряпмиз.

Чунки замонавий дунёқарашимиз, маънавий тамойилларимиз, урф-одатларимиз, кўникмаларимиз янгича асосда шаклланаётган ва шубҳасиз эртанги авлод таълим-тарбиясига асос бўладиган ижтимоий-ахлоқий қарашларимиз вужудга келаётган бугунги ҳал қилувчи паллада бу нарса Президент сифатида мен учун ҳам, бутун халқимиз учун ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Дунёнинг кўп-кўп мамлакатлари, жаҳон халқларининг ҳаёти, тарихи, иқтисоди, сиёсати, фалсафаси, маданияти шуни кўрсатадики, ёвузликнинг, жумладан порахўрлик, ўғрилик, товламачиликнинг миллати, насл-насаби йўқ. Бу офат башарият бошига битган шундай ашаддий балоки, унинг салбий оқибатларини оламдаги жуда кўп давлатлар, юксак тараққий топган мамлакатлар ҳам ўз ўтмиши, бугунги ҳаётида кўриб-сезиб турибди.

Биз озодликка эришган илк кунимиздан бошлаб, ўз миллий давлатчилигимизни тиклашга киришган дастлабки пайтданоқ ният ва муддаоларимизни бутун дунёга очиқ-ойдин маълум қилганмиз: мақсадимиз аниқ — Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш — бош вазифамиз. Бу жамиятда **халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилиши** — асосий қоида.

Биз ана шу тамойил ва йўл-йўриқларни ҳаётимизнинг мазмун-мундарижасига айлантириш учун интиляпмиз. Энг муҳим гап шуки, бошлаган барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта — **адолатли жамият барпо этиш.**

“Адолат” сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.

Айниқса, раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Авваллари ҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: **халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.**

Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан тортиб Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган “Сиёсатнома” деган асарда подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қозию қуззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси **“қўю қўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, ҳаром қўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборат”**, деб кўрсатилган.

Ҳар сафар шу каби ҳикматли фикрларни ўқиганимда чуқур ўйга толаман. Қани эди, шу сўзлар ҳар бир раҳбарнинг, амал курсисида ўтирган катта-кичик мансабдорларнинг иймон-эътиқодига айланса, деб орзу қиламан.

**САВОЛ**: Фикрингизни бўлганим учун узр. Сиз доимо эзгу орзу-ниятлар билан яшаш, ҳаракат қилиш деган тушунчаларни иймон, эътиқод, охират каби тушунчалар билан ёнма-ён қўйиб мушоҳада юритасиз. Бунда қандай маъно бор?

**ЖАВОБ**: Гапингизни тушундим. Лекин мен саволингизга жавобни саволдан бошласам. Ота-боболаримиздан қолган мана шундай доно ўгитлар, Қуръони Карим, Ҳадислар нима учун хизмат қилиши керак? Ахир улар бизга, эй банда, сен — одамсан, сени Оллоҳ таоло инсон қилиб яратган, шунга муносиб бўл, юриш-туришинг, хатти-ҳаракатинг, ҳаётинг инсонлик шаънига, инсонлик номига яраша бўлсин, деган фикрни англатиш учун керак эмасми?

Менинг комил ишончим шундан иборатки, дунёда **адолат қонуни** мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолаверса, одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочасан?

Агар одам охиратдан қўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди.

Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, **адолат тамойилини** устувор принцип сифатида эътироф этамиз. Ва ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан ортга қайтаролмайди. Самарқанд ва Навоий вилояти сессияларида айтилган фикрлар бунинг яна бир бор тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Тожикистон парламентининг сессиясида Президент И. Раҳмоновнинг Ўзбекистон Республикаси гўёки Тожикистоннинг ички ишларига аралашди ва Ленинобод вилоятида М. Худойбердиев раҳбарлигидаги исённи қўллаб-қувватлади, деб очиқдан-очиқ, ўйламасдан ва асоссиз айб қўйиб сўзлаган нутқи Ўзбекистон ҳукумати ва жамоатчилигини чуқур таажжубга солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги шу йил 4 ноябрда Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида жорий йил ноябрь ойи бошларида юз берган воқеаларга муносабатини расмий равишда билдирган эди.

Бу баёнотда, шунингдек, Тошкентда шу йил 11 ноябрда барча хорижий мухбирлар иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида содир бўлган воқеаларга аниқ ва равшан баҳо берилди. Бу исённи бостиришда Ўзбекистон томонидан кўрсатилган ёрдам ва кўмак ҳақида ҳам таъкидлаб ўтилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қўшни Тожикистондаги ҳар қандай қуролли чиқишларни тор доирадаги ғаразли, гуруҳбозлик манфаатларини кўзлаган, тинчлик жараёнига қарши чиқаётган кучларнинг ҳаракати, деб ҳисоблаш лозимлигини яна бир бор таъкидлаш ваколатини олган. Тинчлик жараёнининг ўрнини босадиган бошқа йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Исёнчилар Тожикистон ҳудудига гўёки Ўзбекистон ҳудудидан ўтгани хусусидаги бўҳтонлар мутлақо асоссиздир. Ўзбекистон Тожикистоннинг энг яқин қўшниси сифатида бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришидан ҳаммадан кўпроқ манфаатдордир.

Ўзбекистоннинг бу нуқтаи назари қатъий бўлиб, Тожикистон Президенти И.Раҳмоновнинг эҳтиросларга берилиб, ўйламай айтган гапларига қарамай, Ўзбекистон ҳукумати ўз нуқтаи назаридан чекинмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Тожикистоннинг тегишли хизматларига Ўзбекистон ҳудудида ва чегарада қидирув тадбирларини ўтказиш ва ўз раҳбарияти баёнотининг асоссиз эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилиши учун барча имкониятларни яратишга тайёрдир.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Тожикистон раҳбариятининг баёнотини жиддий мушкулликларга ва энг аввало Тожикистон ҳудудида миллатлараро қарама-қаршиликка олиб борадиган, ўйламай қилинган саъй-ҳаракат, деб баҳолайди.

Халқаро жамоатчилик, аввало БМТнинг Тожикистондаги кузатувчилари миссияси давлатлараро муносабатлар меъёрларига зид келадиган бундай баёнотни муносиб баҳолашига аминмиз.

**Тошкент, 1998 йил 13 ноябрь.**

## ТИББИЁТ ТИЗИМИДА ИСЛОҲОТ ЗАРУР

Тошкентда шаҳар ва пойтахт вилояти ҳокимлари ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлари, туман ҳокимлари, тиббиёт ва илмий текшириш институтлари олимларининг иштирокида Республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисидаги масалага бағишланган йиғилиш бўлди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов маъруза қилди.

Мамлакатимизда тиббиётни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани, Президентимизнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2005 йилларда ислоҳ қилишнинг давлат дастури бунинг ёрқин далили экани йиғилишда алоҳида таъкидланди. Дастурда тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, мазкур соҳани бошқариш, молиялаштиришни такомиллаштириш, жумладан, хусусий ва нодавлат секторларни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларнинг бутун бир мажмуи белгилаб берилган.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи М.Зиёева, педиатрия тиббиёт институти ректори Д. Асадов, Янгийўл ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Н. Абдуллаев ва бошқалар Дастурни изчил амалга ошириш борасида соҳа ходимлари олдида турган вазифаларга тўхталдилар.

* * *

Қашқадарё вилояти фаолларининг Қарши шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида ҳам ана шу масала муҳокама этилди. Унда вилоят ҳокими Ш. Бегматов қатнашди.

**(ЎзА).**

## ОНА ЮРТ КЎЗГУСИ

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

*Бухоро вилоят ҳокимлигида оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларнинг ижроси, маҳаллий газеталарда эълон қилинаётган мақола ва хабарлар, телевидение ва радио эшиттиришлари мазмуни ва савиясини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди.*

*Унда Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар юртбошимизнинг Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида матбуот олдига қўйган вазифаларга, маҳаллий журналистлар фаолиятини яхшилаш масалаларига тўхталдилар.*

### АЛПОМИШ ЎЙИНЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

***“Алпомиш” достонининг юбилейини нишонлаш муносабати билан республикамизда ҳар икки йилда бир марта “Алпомиш” ўйинлари фестивалини ўтказиш тадбири белгиланган эди. Яқинда Алпомиш ватани — Сурхон воҳасининг маркази Термизда шу мусобақанинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятлардаги саралаш босқичларининг ғолиблари бўлган спортчилар майдонга тушдилар.***

***Бухороча курашда сурхондарёлик полвон Т. Муҳаммадиев, фарғонача курашда наманганлик Б. Бозоров, тош кўтариш мусобақаларида сурхондарёлик Б. Қорабоев, билак кучи курашида тошкентлик Б. Очиловлар ғолибларнинг ғолиби бўлдилар. Спортнинг шу турида хотин-қизлардан андижонлик С. Ҳабибуллаева ҳам ғалаба қучди. Фестивалда бошқа турдаги спорт мусобақалари ҳам бўлаяпти.***

***Ғолиблар фестивалнинг қимматбаҳо мукофотлари билан тақдирланди.***




### КОГОНЛИКЛАР МАРРАГА ЕТДИ

*Когон тумани деҳқонлари қабул пунктларига 22 минг 800 тоннадан зиёд “оқ олтин” топшириб, пахта тайёрлаш режасини бажарди. Ҳар гектар ердан ўртача 27 центнердан ҳосил олинди. Бу ғалабага “Бухоро”, Нақшбанд номли, “Ўзбекистон”, “Нурафшон”, “Когон”, “Зарафшон” жамоа хўжаликлари миришкорлари муносиб ҳисса қўшди.*

*Пахта йиғим-терими давом этмоқда..*

### ҚИШЛОҚДА БАЙРАМЛАР

*Зарбдор туманидаги “Бахт” қишлоғи чўлқуварларига бахт кулиб боқди. Олтин куз кунларининг бирида улар учта қўшалоқ байрамни бирга нишонладилар. Пахтакорлар давлатимизга ярим минг тонна ҳосил топшириб, йиллик режани бажаришди. “Жиззахчўлқурилиш” ҳудудий бирлашмасининг кўчма механизациялашган жамланмаси қурувчилари эса аҳолига лойиҳа харажати 14 миллион сўмлик муҳташам врачлик пунктини совға қилишди. Яна шу куни ўн икки хонадонда “зангори олов” ёнди. Бу йилги даромад ҳисобидан хўжалик қўрғонини тўлиқ газлаштириш режага киритилган.*

### ШОЛИ МЎЛ БЎЛДИ

***Бу йил Оролбўйи аҳолиси учун баракали келди. Чорак аср мобайнида илк бор денгизга сув қуйила бошланди. Бу эса Мўйноқ туманида янги соҳа — шоличиликни йўлга қўйиш имконини берди. Шоликорлар қабул пунктларига 300 тонна дон топшириб, режани бажарди. Яна 100 тонна шоли топширишга аҳд қилинди.***



### ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

*Қўқондаги «Электромаш» акционерлик жамиятида мижозлар эҳтиёжи ҳисобга олиниб, дазмол ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Унинг баҳоси хорижникидан анча арзон. Ҳозир ҳар ойда 1500 донага яқин шундай маҳсулот тайёрланаётир.*

*Буюртмачилар талаби асосида бу ерда бошқа турдаги электротехника маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари, шунингдек, техника воситалари учун фильтрлар ҳам тайёрланмоқда. 20 мингдан зиёд сифатли фильтр эса буюртмачиларга жўнатилди. Яқинда корхона маъмурияти Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси билан шартнома имзолади. Шунга кўра «Нексия», «Тико», «Дамас» автомобиллари учун корпус ҳамда махсус мосламалар ишлаб чиқарилиб, ойига 1,5-2 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмоқда.*

### ЁШ ЎЛКАШУНОСЛАР БУЮК ИПАК ЙЎЛИДА

***“Карвон — 98” кўрик-танловининг ғолиблари — ёш тошкентликлар Андижон вилоятининг шаҳарлари ва туманларида бўлдилар. Ўқувчиларнинг Фарғона водийсидан ўтган Буюк Ипак йўли бўйлаб илмий-билиш экспедицияси мактаб таътили пайтида уюштирилди.***

***Экспедиция Наманган вилоятининг тарихий жойларида бўлган эди. Андижонда эса болалар вилоят маркази, Шаҳрихон тумани, маҳаллий халқ усталарининг ишлари билан танишдилар. Шу куни улар яқинда юртдошимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи тантанали нишонланган Фарғона вилоятига, Қувага отландилар. Мактаб ўқувчилари шу кунларда яна ҳам яшариб кетган қадимий Шаҳристонда бўлиб, ўзбек халқининг буюк фарзанди ёдгорлигига гуллар қўйдилар.***

✲ ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛДА ✲

*«Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак наслар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор».*

**Ислом КАРИМОВ**

## ОИЛА ЙИЛИ:
# ЯНГИЛАНИШ МАНЗАРАЛАРИ

***1998 йил «Оила йили» деб эълон қилингач, республика Президентининг Фармойишига кўра оила манфаатларини таъминлаш борасида йил давомида амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастурини ишлаб чиқувчи республика комиссияси тузилди. Нуфузли илмий муассасалар раҳбарлари, жамоат арбоблари ва етук олимлар жалб этилган комиссия ишлаб чиққан дастур 1998 йил 27 январда ҳукумат қарори билан тасдиқланди.***

Давлат дастури 6 бўлимдан иборат бўлиб, унда оиланинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий ҳимоя, иқтисодий манфаатларни таъминлаш, маънавий-ахлоқий асосларни такомиллаштириш шарт-шароитлари, оила ва жамият алоқалари, муаммоларни тадқиқ этиш сингари муҳим масалалар қамраб олинган. Агар дастурнинг ўз олдига қўйган вазифалари, мазмуни билан танишсак, унда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини ривожлантириш кўзда тутилган, бунинг учун мамлакат ички имкониятлари билан бирга хорижий давлатларнинг яқин ҳамкорлигидан ҳам самарали фойдаланиш ҳисобга олинганининг гувоҳи бўламиз.

Мана, Оила йили ҳам якунланай деяпти. Хўш, ўтган давр мобайнида дастурни амалга ошириш борасида нима ишлар қилинди? Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, дастурда белгиланган асосий бандлар уддаланди. Келинг, дастурнинг **«Оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила даромадларини, оила аъзоларининг иш билан таъминланиш даражасини ошириш, рўзғор юмуши ва турмуш шароитларини яхшилаш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш»** бўлимида белгиланган режалар қандай амалга оширилганлиги билан қизиқиб кўрайлик.

Аввало, турли истиқболли йўллар – аҳолининг ортиқча маблағини жалб этиш, имтиёзли қарзлар бериш, миллий удум – ҳашар усули самарали натижалар берганлигини таъкидлаш жоиз. Кўплаб замонавий, халқимиз анъаналарига мос тушадиган уйлар шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам қурилмоқда. Азалий меъморий ечимлар асосида барпо этилган даҳалар, икки тарафида хонадонлар маржондек тизилган кўчалардан ўтганингизда файзу тароватнинг қайноқ тафтини ҳис этасиз. Оила йилининг ўтган тўққиз ойида 6 миллион 236 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. Бу йиллик топшириққа нисбатан 84,2 фоизни, белгиланган 9 ойлик режага нисбатан эса 109,2 фоизни ташкил этади. Гап уй-жой қурилишидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида кетар экан, бу ҳолни юзага келтирган омил сифатида бунёдкорлик юмушларини маблағ билан таъминлаш манбалари кўпайганлигини таъкидлаш лозим. Эндиликда бундай манбалар сифатида давлат хазинасидан ташқари хусусий деҳқон ва ширкат хўжаликлари, жамоа корхоналари, ҳиссадорлик жамиятлари ва хорижий шериклар билан ҳамкорлик қайд этилмоқда. Хусусан, бу йил биринчи марта хусусий сармоядорлар (200 кв.м.), жамоа корхоналари (2572 кв.м.) ва хорижий ҳамкорлар (6146 кв.м.) иштирокида қурилган турар жойлар улуши салмоқли бўлган.



Шинам уйларда яшаган кишиларнинг тўкис ҳаётини маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Мамлакатимизда давлат миқёсидаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури кенг татбиқ этилаётганлиги ҳаммага аён. Унга асосан халқ таълими тубдан ислоҳ қилинади, дунё миқёсидаги энг илғор тажрибалар жорий этилади. Бундай ўзгаришлар янги талаблар даражасидаги бинолар қурилишини тақозо этиши табиий. Кейинги йилларда юртимиз шаҳар ва қишлоқларида кўплаб замонавий мактаблар қуриб, фойдаланишга топширилди. Яқинда ҳар бир туман марказида сўнгги талаблар даражасидаги касб-ҳунар лицейлари бўлишини таъминлаш белгиланди. Шундай қилиб, Оила йилида 75 минг, жумладан, қишлоқ жойларида – 58 минг ўринли таълим масканларини қуриш режалаштирилган эди. Бу мўлжал ҳам кўзда тутилганидан ошириб уддаланди. Тўққиз ойда 59,6 минг ўринли (104,5 фоиз), шу жумладан, қишлоқ жойларида 52,8 минг ўқувчи ўринли (116 фоиз) мактаблар қурилди.

Мактаб бинолари қурилишида ҳомийлар, тадбиркорлар ва саховатпеша инсонларнинг ҳам ҳиссаси катта. Республика Халқ таълими вазирлиги капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи Р. Акрамовнинг маълум қилишича, Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманида фаолият кўрсатаётган «Имкон» фирмаси (раҳбари Муҳаммаджон Назаров) Найманча қишлоғида 15 млн. сўм сарфлаб 240 ўринли барча қулайликларга эга бўлган мактаб учун янги бинони қуриб фойдаланишга топширган. Фарғона вилояти, Валик қишлоғилик тадбиркор Набижон Маҳмудов ўз ҳисобидан 10 млн. сўм сарфлаб туғилган қишлоғида 422 ўқувчига мўлжалланган 2 қаватли замонавий мактаб қуриб берди. Андижон вилояти, Ширмонбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи темир йўл хизматчиси Абдужалил Шарипов 240 ўринли мактаб қуриб бериш билан бир қаторда мактаб ҳудудида ярим гектарли мевали боғ барпо қилди. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги 4-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Алланиёз Утениёзов ўғли Ажиниёз билан биргаликда ўз маблағи ва меҳнати ҳисобига ўтган 1997 йилда ўзи туғилиб ўсган Шатлиовул қишлоғида бошланғич мактаб қуриб берган эди. Саховатпеша инсон Оила йилида ўз қишлоғида 50 ўринли болалар боғчаси ва 2 хонали тиббий шохобча биноларини қуриб фойдаланишга топширди. Айтиш керакки, Оила йилида қишлоқ инфратузилмасини муттасил яхшилаб бориш ҳақидаги изчил сиёсат давом эттирилди. Ҳозиргача қишлоқ жойларида савдо нуқталари қуриш 120 фоиз, умумий овқатланиш корхоналари барпо этиш 114 фоиз, маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини фойдаланишга топшириш режаси 125 фоизга уддаланди. Шунингдек, бундай ҳудудларда бир сменада 9390 кишини қабул қила оладиган сиҳатгоҳлар қурилди.

Оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун яратилган шарт-шароитлар фақат шулардан иборат эмас. Дастурда аҳолининг пул маблағларини қадрсизланишдан сақлаш, ишсизликни бартараф этиш ва янги иш ўринларини яратиш, айниқса, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, деҳқон-фермер хўжаликлари ва оилавий жамоаларга имтиёзли қарзлар ажратиш юзасидан ҳам жиддий тадбирлар кўзда тутилганди. Шу билан бирга, аҳолининг омонатларини «Индексация» махсус счётларидан узиш белгиланганидек давом эттирилди.

– Халқ банки ҳисоб рақамларидаги мижозларнинг 1991 йилдан буёнги омонатлари 1996 йил 1 июль ҳолатида тўла индексация қилиб чиқилди, – дейди республика давлат-тижорат халқ банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Эргашев. – Ҳукуматимиз омонатларни қайтариш учун давлат хазинасидан 7300 миллион сўм нақд пул ажратди. Ҳозиргача қарийб 6300 миллион сўм миқдоридаги пул эгаларига тарқатилди. Халқ банки кассаларидан қўйилган жамғармаларни олишда мижозларга ҳеч қандай муаммо ёки тўсиқ йўқ. Улар истаган пайтда мурожаат қилиб, жамғармаларнинг 30 фоизи миқдоригача нақд олишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар анча қўлни бўшатаяпти. Бу борада тутган йўлимиз аниқ – қишлоқ хўжалигидан бўшаган аҳолини маиший хизмат, саноат ёки савдога жалб қилиш, бу билан мазкур тармоқларни ривожлантириш ҳамда қишлоқ инфратузилмасида янги – замонавий қиёфа ҳосил қилишга эришишдир. Оила йили давлат дастурида кичик ва хусусий корхоналарни, қишлоқ инфратузилмаси объектларини, коммуникация тармоқларини ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига 310 минг, шу жумладан, қишлоқда 180 минг иш ўринлари ташкил этиш белгиланган эди. Тўққиз ойда 254 минг, шу жумладан, қишлоқда 161 минг иш ўринлари яратилди. Бу борадаги ўзига хос янгилик шундаки, мулк шаклларининг ўзгариши, деҳқон-фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалик ширкатлари юзага келиши муносабати билан янги иш ўринларининг асосий қисми хусусий секторда (226 минг) жойлашди. Қишлоқда савдо хизмати, умумий овқатланиш корхоналари фаолиятининг жонланиши эвазига «Ўзбекбирлашув» ҳиссадорлик компанияси тармоғининг ўзидагина 1915 янги иш ўрни очилиши ижобий ҳол.

Халқимизнинг болажонлиги, уйда ҳам оилавий касб-ҳунарни йўлга қўйиш мумкинлиги ва бошқа хос хусусиятлар ҳисобга олиниб, касаначиликни ривожлантиришга киришилди. Бу ҳақдаги ҳуқуқий асос – Низом ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди. Германиянинг дунёга машҳур “Пфафф-Зингер” фирмаси ваколатхонаси билан 18 миллион сўмлик тикув машиналарини юртимизга етказиб бериш ҳақидаги шартноманинг тузилиши ҳам касаначиликни, ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилса ажаб эмас.

Оила йилида оилавий корхоналар ташкил этиш хоҳишини билдирганларга микрокредитлар, деҳқон-фермер хўжаликларини ва юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорликни ривожлантириш учун ишсизлар оилаларига имтиёзли кредитлар бериш белгилаб қўйилган эди. Меҳнат вазирлиги Марказий банк, Молия вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда кичик ва ўрта тадбиркорлик объектларига бюджетдан ташқари фонддан кредит бериш тартибини ишлаб чиқди. “Бизнес-фонд” томонидан ўтган муддатда 240 кичик ва ўрта тадбиркорлик нуқталарига 587213,4 минг сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун эса 5504,4 минг сўм миқдорида кредит ажратилди ва етказиб берилди.

Хуллас, оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар мазмуни теран, қамрови кенг. Унда юқорида тилга олинган иқтисодий қўллаб- қувватлашдан ташқари энг зарур истеъмол моллари маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан тортиб ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тартиблари-ю, оила ҳаётига доир ахборотларни оммалаштиришни молиявий таъминлашгача бўлган кенг миқёсли юмушлар жамланган.

Ҳа, ислоҳотлар изчиллигини тўла назарда тутган давлат дастури асосан муваффақиятли амалга оширилмоқда. Айни пайтда барча бандлар ҳам режадагидек рўёбга чиқаяпти, деб бўлмайди. Айтайлик, кўзда тутилган 2550 ўринли шифохоналар қуриш топшириғи атиги 15 фоизга бажарилди. Нега бундай қолоқликка йўл қўйилди? Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари бу саволга шундай жавоб қилишди: вилоят ҳокимликлари ўз ҳудудларида фойдаланишга топшириш учун мўлжалланган шифо масканлари қурилишининг боришини қатъий назорат қилиб турибдилар ва қурилиши давом этаётган нуқталарни фойдаланишга топшириш тўртинчи чоракда – йил охиригача тўла амалга оширилишини кўрсатмоқда. Ахир, бу шўролар давридаги “ҳа, бўл-ҳа, бўл” усулини эслатмайдими?

Яна бир гап. Давлат дастурида 138,5 минг номерли телефон алоқаси объективларини ишга тушириш белгиланганди. Таъкидлаш керакки, кейинги икки-уч йилда мамлакатимизда замонавий телефон тармоқлари барпо этиш юзасидан сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу йилнинг дастлабки уч чорагида қишлоқ жойларида 2,6 минг номерли телефон алоқаси объектлари қурилди. Бу жуда кам, албатта. Аниқланишича, “Маҳаллий телеком” акционерлик компанияси дастури бўйича тўртинчи чоракда 3500 сонли автомат телефон станциялари ишга тушиши керак. У Япониянинг имтиёзли кредити ёрдамида барпо этилган... Барибир бу билан дастурда белгиланган марра эгалланмайди. Шу маънода, оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш борасида ҳали кўп ишлар олдинда. Албатта, оила йили тугагани билан Ватан ичра мўъжаз ватан эҳтиёжларини қондириш ишлари интиҳо топмайди. Бу борадаги давлат ғамхўрлиги ислоҳотларимиз марказида бўлиб қолаверади.

**Ҳаким САТТОРОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0500, 27353 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Ф. САНАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ф. БОБОДЎСТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 00.20*
1 2 3 4 5 6



НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
қуйидаги кафедралар мудирлари бўш ўрин лавозимларига
ТАНЛОВ эълон қилади:
1. «Физика ва уни ўқитиш методикаси».
2. «Математика ва уни ўқитиш методикаси».
3. «Бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси».
4. «Мактабгача тарбия педагогикаси ва методикаси».
5. «Махсус педагогика».
6. «Рус тили ва адабиёти ҳамда уни ўқитиш методикаси».
7. «Инглиз тили» мутахассислик кафедраси».
8. «Факультетлараро чет тиллар».
9. «Умумий педагогика».
10. «Табиий билим асослари, ёш физиологияси ва мактаб гигиенаси».
11. «Ўзбекистон тарихи».
12. «Ватан тарихи» мутахассислик кафедраси».
13. «Чолғу ижрочилиги».
14. «Умумий тилшунослик».
15. «Биология ва уни ўқитиш методикаси».
16. «Химия ва уни ўқитиш методикаси».
Танловда фан доктори, профессорлар, фан номзоди, доцентлар иштирок этишлари мумкин.
Танлов муддати – эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.
Танловда қатнашиш учун Тошкент шаҳар, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, ТДПУ ходимлар бўлимига мурожаат қилинсин.
РЕКТОРАТ.




Ташкилот Мих 70-150, Паркет сотади. Тел: 105-18-09, 41-10-91.

## САНЪАТ САРҲАД БИЛМАГАЙ

Яқинда Туркия Республикаси ўзининг миллий байрамини нишонлади. Шу муносабат билан ўтказилган «Турк дунёси опера кечаси»га бир гуруҳ ўзбекистонлик санъаткорлар таклиф этилди. Чунончи, А. Навоий номидаги Давлат Академик опера ва балет катта театрининг ижодий жамоаси — директор ўринбосари Тамара Тошматова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Акбар Ражабов, балет солисти Галия Холматова, опера солисти Сайёра Хайриддинովалар ўзбек маданиятини яна бир бор Туркия диёри саҳнасида намойиш этдилар. Ишончимиз комилки, ўзбек миллий маданияти баробарида опера ва балет санъати ҳали кўплаб мамлакатларнинг саҳналарини мунаввар этаверади.

**Гулмира МУСАЕВА.**


"ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС" ДАВЛАТ АССОЦИАЦИЯСИ
Чипта сотувчиларни ишга таклиф этади
Маълумот учун телефонлар: 34-84-19, 34-82-37.
Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 6-8 минг сўм.
Бир йилдан ортиқ иш стажи бўлганларга 20% дан 50% гача миқдорда устама ҳақ тўланади.
Шаҳар йўловчи транспорти чипта сотувчилари имтиёзли нафақага чиқиш, даромадлардан имтиёзли солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўладилар.




*«ОБУНА-98»*

## «ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Мустақил мамлакатимиз қалам соҳиблари — газета ва журналлар, телевидение ва радио журналистлари, ноширлар ва матбаачилар, китоб савдоси ходимлари, бўлажак журналист ва матбаачи талабалар, матбуотимиз таянчи — ишчи-деҳқон мухбирларнинг содиқ дўсти — ўзининг 80 йиллигини нишонлаган «Ўзбекистон матбуоти» журналига обуна давом этмоқда.

Журнал саҳифаларида газета ва журналлар, телерадио таҳририятлари, нашриётлар ва матбаа корхоналари, китоб савдоси ташкилотларининг фаолияти, қувончу ташвишлари, миллий матбуотимиз тамал тошини қўйган барҳаёт сиймолар, матбуотимиз фидойилари, фахрий матбаачилар ҳақида очерк ва лавҳалар, ҳамкасбларимизнинг ижодидан намуналар мунтазам чоп этилади.

Эслатиб ўтамиз: журнал фақат Тошкент шаҳрида жуда кам нусхада чакана савдога чиқарилади. Журнални муқим олиб туришнинг энг ишончли йўли унга обуна бўлишдир. Муассисларимизнинг саъй-ҳаракати билан унинг обуна баҳоси бошқа нашрларникига қараганда анча арзон қилиб белгиланган.

Обуна «Матбуот тарқатувчи» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

**Унинг индекси — 883. Бир йиллик обуна баҳоси Тошкент шаҳрида: обуна қутисига — 228 сўм, уй манзилига — 246 сўм.**

**«Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳрир ҳайъати.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси раҳбарияти жамоаси Наманган ўрмон хўжалиги директори Муҳаммаджон Отабоевга падари бузруквори
**МАҲМУДЖОН отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси собиқ бош муҳандис Яков Исаевич Шамиуловга рафиқаси
**Соня Борисовна ШАМИУЛОВАнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкентгўшт» акционерлик жамияти жамоаси «Тошкентгўшт» акционерлик жамияти раиси
**Ҳасан ЙЎЛДОШЕВнинг**
бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.